Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 51 (20. 918) 1991 йил 14 март, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

17 март, якшанба—СССР референдуми куни

БИРЛАШГАН ДАРЁ БЎЛУР

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

Қадрли отахонлар! Мўътабар онахонлар! Ҳурматли опа-сингиллар, ака-укалар!

Икки кундан кейин — якшанбада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тақдирини ҳал қиладиган СССР референдуми ўтади. Унда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари қатори Сиз ҳам фуқаролик бурчини адо этиб, чинакам эркин ва онгли равишда ўз хоҳиш-иродангизни изҳор этасиз.

Мақсад аниқ — Иттифоқни сақлаб қолиш, эзгу ниятларга кучларни бирлаштириб, бор имкониятларни ишга солиб, ҳамкорликда эришишдир. Шунинг учун ҳам сизларни референдумга қўйилган иккала бюллетень саволларига — СССР Олий Кенгаши қўйган саволга, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати қарори билан таъсис этилган бюллетень саволига «ҲА» деб ижобий жавоб беришга чақирамиз.

Ҳар иккала бюллетень саволига

«ҲА»

деб жавоб бериш:

— мамлакатимиз барча халқларининг умумий мулки, қадрияти бўлмиш, уларнинг фаровон турмуши, бахт-саодати ва тараққиётимизнинг ишончли негизи **ИТТИФОҚИМИЗ**ни сақлаб қолиш;

— мамлакатимиз барча халқларига эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш имкониятларини берадиган, кўп йиллик биргаликдаги меҳнат билан яратилган улкан ишлаб чиқариш, илмий ва маданий куч-қудратимизни биргаликда, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда мудом ривожлантиришни, халқаро майдонда нуфузли, кучли давлат сифатидаги мавқеларимизни янада мустаҳкамлашни таъминлайдиган **ФЕДЕРАЦИЯ**ни янгилаш;

— ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этадиган, фуқаролар жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни эркинлик ва фаровонликнинг энг муҳим шарти деб биладиган **РЕСПУБЛИКАЛАР СУВЕРЕНИТЕТИ**ни — суверен давлатлар, федерация субъектларини қарор топтириш;

— халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган меъёрларига биноан **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ**ни энг муҳим қоида деб тан олиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига кафолат бериш тарафдори бўлиб чиқиш демакдир.

«ҲА, розимиз» десак, мамлакатимиз ҳозирги ва келажак авлодининг порлоқ истиқболи учун, барча халқлар, шу жумладан республикамиз халқлари ўз тақдирининг чинакам хўжайинлари бўлиши учун, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган **МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ** амалга ошиши учун овоз берган бўламиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ КЎП МИЛЛАТЛИ ФУҚАРОЛАРИ, ЖОНКУЯР МЕҲНАТКАШЛАРИ!

СССР референдумида мамлакатимиз бошқа халқлари сафида фаол қатнашиб, тарихий аҳамиятга молик масалани — Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолиши масаласини ҳал қилишни ўз ишончли қўлларингизга олинг!

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?

Кўрсатилган жавобларнинг бирини қолдириб, иккинчисини ўчириб ташланг.

ҲА ~~**ЙЎҚ**~~

Овоз бериш чоғида ҲА ва ЙЎҚ сўзлари ўчириб ташланган ёки иккала сўз ҳам қолдирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенгҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?

Сизга маъқул бўлган жавобни қолдириб, иккинчисини ўчиришингизни сўраймиз.

ҲА ~~**ЙЎҚ**~~

Овоз бериш чоғида ҳар иккала жавоб ҳам қолдирилган ёки ўчирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНИСТЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ҳамюртлар! Ўртоқлар!

1991 йил 17 март куни Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани шундай бир йўлни танлаши керакки, Ўзбекистоннинг, бутун Советлар мамлакатининг бундан буёнги тараққиёти мана шу йўлга боғлиқ бўлади. Кўп миллатли Ватанимизни умумий хонадон деб ҳақли равишда ҳисоблаётган ҳар бир кишининг тақдири ҳам янгиланган федерациянинг, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бўлиши ё бўлмаслигини танлаб олишимизга боғлиқдир.

Совет Иттифоқи халқлари бир неча ўн йиллар мобайнида қувонч ва қайғу-аламга, ғалабалар ва муваффақиятсизликларга шерик бўлиб келдилар. Ўзбек халқига хос бўлган байналмилалчилик ва яхши қўшничилик асрий анъаналари айни совет ҳокимияти йиллари мобайнида, қардош республикаларнинг ягона оиласида энг кўп равнақ топди.

Совет кишилари жипслик ва ўзаро ёрдам туфайлигина вайронликни бартараф этиб, душманга зарба бера олдилар, табиий офатдан шикаст етган Тошкентни қайтадан тикладилар. Бир вақтлар юз минглаб бечораларга бошпана бериб, уларни ўз бағрига олган Ўзбекистон кўпгина совет кишилари учун она юрт бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССРда қардош республикаларнинг ёрдами билан қудратли ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва маънавий потенциал вужудга келтирилган бўлиб, у минг-минглаб кўзга кўринмас ришталар орқали бутун умумиттифоқ организми билан чамбарчас боғлангандир. Мана шу моддий ва маънавий алоқаларни узиш, ота-боболаримиз қон ва тер тўкиб барпо этган Иттифоқни вайрон қилиш тузатиб бўлмайдиган хато бўлур эди. Доно халқимиз таъкидлаганидек, бўлинганни бўри ер, тўдадан ажралган тўрга тушар. Билакс, элга эл қўшилса эл бойийди, бирлашган ўзади.

Ўзбекистон Компартияси Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишни эълон қилганлиги аввало халқнинг фаровонлигини оширишга, уни маънавий жиҳатдан янгилашга, ижтимоий адолатни ва республика аҳолисининг муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

Мустақил республикаларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, ягона Иттифоқни сақлаб қолиш — Ўзбекистон ССРнинг жўшқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти гарови эканлигига Ўзбекистон коммунистларининг ишончи комилдир. Биз фақат биргаликдагина ҳозирги мураккаб босқични бартараф этиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларини ҳал эта оламиз, миллатлараро муносабатларни яхшилаб, республика халқларининг хавфсизлигини ва маърифатли турмушини таъминлай оламиз.

Янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши ҳозирги кунда катта сиёсий аҳамият касб этмоқда. Бу шартнома марказ билан иттифоқдош республикаларнинг бир-бирига қарамақарши туришга, «қонунлар уруши»га, иқтисодий тартибсизликларга чек қўйиши, издан чиққан хўжалик алоқаларини қайтадан тиклаши лозим. Янги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ССР делегацияси қатнашди, республиканинг манфаатлари, унинг меҳнаткашлари таклифлари ва истаклари эътиборга олинди ва у яқин вақт ичида имзоланиши мумкин.

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг сақлаб қолинишини ёқлаб чиқайлик, «ҳа, розимиз» деб жавоб берайлик: бундай федерацияда ҳар қандай миллатга мансуб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати тўлатўкис таъминланади.

Биз Ўзбекистон коммунистларини, барча меҳнаткашлари ва аҳолисини Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида Иттифоқ (Федерация) таркибида қолиши учун овоз беришга чақирамиз.

Ҳамма референдумга!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕТЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

БИШКЕК, 13 март. ЎзТАГ махсус мухбири Святослав ФЕНЮТИН хабар қилади:

«Қардош Ўзбекистон Президенти, қирғиз диёрига хуш келибсиз!» — бугун республика газеталари ана шундай катта сарлавҳалар билан чиқди. Уларда И. А. Каримовнинг сурати ва қисқача таржимаи ҳоли эълон қилинди, Ўзбекистон ССР меҳнат жабҳаси ҳақида ҳикоя этилди.

Умумий хонадонимизда ҳозир тинчлик ва тотувликни қадрлайдиган барча кишилар қардош Қирғизистон республикасига ушбу ташрифни кутмоқда эдилар. Бу ташриф Бутуниттифоқ референдуми арафасида ўтаётгани айниқса муҳимдир, бу референдумда Иттифоқ бўлиши керакми ё йўқми, деган энг долзарб саволга жавоб берилиши лозим.

СССР, Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган «Манас» аэропортида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ва республика давлат делегациясининг аъзоларини Қирғизистон Президенти А. А. Акаев, шу республика бош вазири Н. И. Исанов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Анъанага биноан миллий кийимдаги қизлар меҳмонларга нон-туз тутдилар, баҳорги гуллардан гулдасталар тутқаздилар.

Ўзбекистон давлат делегациясининг қўшни республикада бўлиши программаси жуда тиғиз. У икки Президентнинг суҳбати билан бошланди. Суҳбатда давлат делегацияларининг аъзолари қатнашдилар.

Музокараларда Ўзбекистон томонидан Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, халқ депутатлари Андижон Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетининг биринчи котиби Қ. Х. Холмирзаев, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатуви ва радиоэшиттириш комитети раиси Г. Е. Ёқубов, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Жўраев, Президент Кенгашининг аъзоси, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг ишлар мудири З. Ҳ. Ҳайдаров, республика Президентининг матбуот котиби И. А. Абдуҳолиқов қатнашдилар.

Ўзбекистондан келган делегатлар билан Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н. И. Исанов, республика фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Президент маҳкамаси раҳбари, Қирғизистон Республикаси вазири Э. О. Қорабоев, Президент маслаҳатчиси А. И. Саригулов, республика халқ депутати Э. Т. Турсуалиев, Президент Кенгашининг аъзоси А. В. Лемякин, республика матбуот ва ахборот вазири А. Э. Эркабоев суҳбатлашдилар.

Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон ССР давлат делегацияларининг музокаралари ишчанлик ва амалий муҳитда ўтди. Кечқурун меҳмонлар тасвирий санъат музейини бориб кўрдилар.

Икки Президентнинг учрашуви 14 март куни Ўш шаҳрида давом эттирилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Комил Юсупов

1931 йилда туғилган, миллати — ўзбек, маълумоти олий, тарихчи, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетини 1954 йилда битирган, иқтисод фанлари номзоди, профессор. Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Тошкент область комсомол комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирининг ўринбосари сифатида бошлаган. Аспирантурани тамомлагач, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида кичик, катта илмий ходим, илмий котиб, гуруҳ раҳбари бўлиб ишлаган, айни вақтда институт комсомол комитетининг котиби бўлган. 1967 йилдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти сиёсий иқтисод кафедрасига мудирлик қилди. 1975 йилдан 1985 йилгача шу институт парткомининг котиби бўлди. 1989—1990 йилларда — Тошкент давлат педагогика институтининг ректори. 1990 йилда Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири этиб тайинланган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Абдуманноб Абдувосиқов

1948 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, ихтисоси — механик-муҳандис, 1979 йилда Тошкент политехника институтини, 1986 йилда Тошкент олий партия мактабини битирган. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутати. Меҳнат фаолиятини 1967 йилда В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг разметкачиси бўлиб бошлаган. 1973 йилдан 1975 йилгача Совет Армияси сафида хизматни ўтаб, институтни тамомлагандан кейин авиация заводида конструктор-муҳандис, цех бюросининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1980 йилда партия ишига кўтарилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг инструктори, сектор мудири бўлди. 1985 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудири этиб тасдиқланди. 1986 йилда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

• 17 март, якшанба—СССР референдуми куни

БАХТ—ИТТИФОҚЛИКДА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг сақлаб қолинишини ёқлаб чиқайлик. «Ҳа, розимиз» деб жавоб берайлик: бундай федерацияда ҳар қандай миллатга мансуб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати тўла-тўкис таъминланади.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашлари ва гражданларига Мурожаатидан).

ДЎСТЛИКНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Яқинда 70 йиллигини кенг нишонлаган дорилфунунимиз Иттифоқ тақдири билан кўзга кўринмас ришталар орқали боғланган. В. И. Ленин назари тушган бизнинг илм масканимиз Иттифоқдаги тўнғич дорилфунунлардан бири саналади. Дўст дўстни ташлаб кетиши мумкинми?

Дўст оғир кунда билинади, деган нақл бор. Иттифоқимиз мана шундай оғир синовни бошдан кечирмоқда. Тарихнинг оғир ва машақатли йўллари бизни шу манзилга олиб келганлиги сир эмас. Бироқ бизнинг йўлимиз тўғри ва адолатли йўл. Бизнинг бошимизни мудом бириктириб келган Иттифоқимиз ҳаммамизнинг куч ва қудратимиз, ақл ва заковат билан иш тутишимиз натижасида бу оғир синовлардан муваффақият билан ўтишига шубҳа йўқ. 17-март куни бутун жумҳуриятда бўлиб ўтадиган СССР референдуми кунида Тошкент давлат дорилфунунининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг шиори битта: умумхалқ овоз беришида актив қатнашишдир!

Дорилфунунимиз коллективининг фикри-зикри Бутуниттифоқ референдумини юксак савияда ўтказиб, дўстлигимиз ва бирлигимизни абадий сақлаб қолишга қаратилган. Дорилфунун касаба уюшмаси қўмитаси ўтказган бир қанча йиғинлар ҳам шу мақсадни тўла-тўкис тасдиқлади. Дорилфунуннинг кўп минглик коллективи Иттифоқнинг порлоқ келажаги учун якдиллик билан овоз беради. Буюк Иттифоқ билан тақдиримиз абадул-абад туташ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади!

М. ОРИПОВ,
Тошкент давлат дорилфунуни касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Шу кунларда овоз бериш участкаларида референдум кунига тайёргарлик ишлари қизғин.
Суратда: Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 8-Ҳунар-техника билим юртига жойлашган 8-участкада участка комиссияси аъзолари овоз берувчилар рўйхатини кўздан кечирмоқдалар.
В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БУЮК СИЙМОЛАРИМИЗНИНГ ҚАЛБ НИДОЛАРИ

● Алишер НАВОИЙ:

Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиғ иш.
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моян дармон бўлғил.

● Абдураҳмон ЖОМИЙ:

Яқин дўстинг сенга ёмон истаса,
Ундин юз ўгир ё бардош-ла сўзла.
У билан олишма, сўкма, тортишма,
Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.

● Шота РУСТАВЕЛИ:

Дўстликни ҳақоратлаш — бу доноликдан узоқлашишдир.

● Абдураҳмон САЪДИЙ:

Дўст дема гар нозу неъмат устида,
Урса лоф: «Дўстимсан, азиз, меҳрибон».
Дўст удир — дўстига чўзади қўлин —
Дўсти бўлганида ночор, нотавон.

БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Ростини айтганда, мен ўзимни дўстлик ва адолатли ҳамкорликка асосланган Иттифоқдан ташқарида тасаввур қила олмайман. Ҳамкасбларимнинг ҳам бу борадаги фикрлари ана шундай. Тўғриси, биз учун бўлиниш деган нарса ёт тушунча.

Бирлашмамизда гўштбоп — бройлер паррандалари етиштириш учун инкубация тухумлари масаласи қийинлашган эди. Бу борада бизга РСФСРнинг Оренбург вилоятидаги «Россия» паррандачилик фабрикаси ёрдам қўлини чўзди. Шу йилнинг 13 феврали куни Оренбургдан Тошкент тайёрагоҳига транспорт самолёти келиб тушди. Унда корхонамиз учун мўлжалланган 80 минг дона инкубация тухумлари бор эди.

Қозоғистонлик ҳамкасбларимиз ҳам қараб туришмади. Олмаотадаги бройлер паррандачилик бирлашмасидан рефрижераторларда хом ашё келтирилди. Албатта, хом ашёни узоқ жойлардан, яна самолёт орқали ташиш бизга анча қимматга тушди. Лекин бошқа иложимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ эди. Чунки хом ашё бўлмаса ишлаб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлардик. Хуллас, четдан олинган ёрдам бизга қўл келди, ҳамкорлик барқарорлик мезонига айланди. Шу туфайли жумҳурият истеъмолчиларига режадаги маҳсулотни етказиб беришга муваффақ бўлдик.

Халқимиз: «Дўст қадри оғир кунингда билинади» деб бекорга айтмаган. Оғир вазиятда бошқа республикалардаги ҳамкасбларнинг кўмаклашуви мамлакат минтақалари ўртасидаги анъанавий алоқаларнинг фойдалилигидан далолат беради. Бизнинг корхонамиз РСФСР заводларидан келтирилган асбоб-ускуналар билан ишлайди. Иттифоқ органлари билан тузилган шартномалар асосида эндиликда чет эл жиҳозларини ҳам оляпмиз.

Референдумда қатнашиш — ҳар бир кишининг конституцион ҳуқуқи. Шундай экан, уни навбатдаги сиёсий кампания дейиш, менимча, хато бўлур эди. Бинобарин, ҳар бир фуқаро нима учун овоз берайтганлигини билиши керак. Жумладан, мен тенг ҳуқуқли республикаларнинг федерациясига асосланадиган янги Иттифоқ учун овоз бераман. Ишончим комилки, 17 март куни кўпчилик юртдошларимиз ана шу эзгу мақсад билан референдумда иштирок этишади.

А. СОДИҚОВ,
Тошкент гўштбоп паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

ТАҚДИРИМИЗГА ДАХЛДОР

Овоз бериш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби

18 ёшга тўлган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган республикамиз фуқароси СССР референдумида қатнашади. Иттифоқ тақдири, ўз тақдири учун ҳар бир фуқаро виждони амри билан иш тутиши керак.

Умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) ўтказиш бўйича жамоат бирлашмалари, меҳнат коллективлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, референдумни ўтказиш бўйича комиссияларнинг ҳамда гражданларнинг олиб борган тайёргарлик ишларининг якуни — овоз бериш кунидир.

СССР референдуми тўғрисидаги Қонунга мувофиқ участка комиссиялари ўз участкасида овоз беришни ташкил этиш, овоз берувчилар изҳор этадиган хоҳиш ва ироданинг сир тутилишини таъминлаш, участка биносини жиҳозлаш ва унда тартиб ўрнатилишига жавобгардирлар. Участка комиссиялари фуқароларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида маҳаллий матбуот, радио, телевидение, варақалар, эълонлар, таклифномалар ва шу кабилар орқали барвақт хабардор қилишлари зарур.

17 март куни овоз бериш маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача давом этади. Бу ҳақда ҳамма овоз берувчиларга ва айниқса дам олиш кунларини яшаш жойларидан бошқа ерда ўтказадиган фуқароларга хабар қилиш зарур.

Овоз бериш одатда махсус ажратилган бинода ўтказилади. Бунинг учун шу бинода яширин овоз беришни таъминлайдиган кабиналар ёки махсус хоналар жиҳозлаб қўйилади. Овоз бериш бюллетени бериладиган жой белгиланади ва бюллетенларни ташлаш учун махсус қутилар ўрнатилади. Улар шундай ўрнатилиши зарурки, овоз берувчилар қути олдига яширин овоз берадиган кабина ёки хоналар орқали ўтадиган бўлиши лозим.

Яширин овоз бериш хоналари ёки кабиналари нечта бўлиши участкадаги овоз берувчиларнинг сонига қараб белгиланади. Овоз берувчилар кабина ёки хона олдида навбат кутиб қолмасликлари, хоналар яхши ёритилган бўлиши, уларга стол, стул, қалам қўйилиши, умуман яширин овоз бериш учун тегишли шароит яратилиши шарт.

Участка комиссияси референдум куни ўзининг ҳар бир аъзоси қандай ишларни бажариши лозимлигини барвақт белгилаб қўйиши зарур.

17 март куни соат эрталаб 7 гача участка комиссияси раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида ҳамма нарса тайёр эканлигини билдиради. Овоз берувчилар рўйхати ва тегишли бюллетень борлигини, овоз бериш қутилари бўш эканлигини текширади ва қутиларни беркитиб, сўрғичлайди. Комиссия аъзолари белгиланган жойларга ўтиришгач, соат 7 да овоз берувчиларни овоз беришга таклиф қилади.

Референдумда қатнашувчи ҳар бир киши участкага келиб, шахсан овоз беради. Бошқа кишилар учун овоз берилишига йўл қўйилмайди. Овоз берувчи участкага келиб, ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (паспорт, касаба уюшмаси билети, иш жойидаги гувоҳномаси ва бошқа) участка комиссияси аъзосига кўрсатади ҳамда шу ҳужжат асосида у кишининг фамилияси овоз берувчилар рўйхатидан топилади ва унга бюллетень берилади. Бюллетенни олиш чоғида овоз берувчи рўйхатдаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Референдум қатнашчиси иккита бюллетень олади. Биринчи бюллетень оқ рангда бўлиб унда «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерация сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?» деган масала овозга қўйилади.

Иккинчи бюллетень кўк рангда бўлиб, унда «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (федерация) таркибида мустақил тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?» деган масала овозга қўйилади.

Референдумда қатнашувчи бюллетенни олгандан сўнг яширин овоз бериш кабинасига кириб, бюллетенда ёзилган масалани ёқлаб овоз берадиган бўлса «Йўқ» деган сўзни ўчиради (чизиб ташлайди), «ҳа», деган сўзни қолдиради. Агар қарши овоз берадиган бўлса, аксинча, «ҳа»ни ўчириб, «йўқ»ни қолдиради. Сўнгра кабинадан чиқиб бюллетенни овоз бериш қутисига ташлайди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, агар «ҳа»ни ҳам, «йўқ»ни ҳам ўчирмай қолдирилса ёки ҳар иккаласи ҳам ўчирилса, бундай бюллетенлар бекор деб топилиб, ҳисобга олинмайди.

Участка комиссиясининг раиси соат 20.00 да овоз бериш тамом бўлганлигини эълон қилади. Фойдаланилмай қолган бюллетенларнинг ҳаммаси санаб чиқилади ва бекор қилинади (бюллетенларнинг бир бўлаги қирқиб қўйилиши ёки бюллетень тешиб қўйилиши ёки унга комиссиянинг штампи босиб қўйилиши мумкин), ўраб боғлаб, бошқа жойга олиб қўйилади.

Участка комиссияси асосий ва қўшимча рўйхатларга биноан участка бўйича овоз берувчиларнинг умумий сонини, шунингдек, бюллетень олганларнинг сонини аниқлайди ва уларни комиссия аъзоларига ва овозларни санашда қатнашиш учун келган вакилларга эълон қилади. Шундан кейингина бюллетенлар ташланган қутилар очилади.

Аввало, қутидан олинган бюллетенлар рангига қараб сараланади, сўнгра ҳар бир рангдаги бюллетенлар орасидан «ҳа» сўзи ўчирилганлари алоҳида, «йўқ» сўзи ўчирилганлари алоҳида тахланади. Бюллетенларда «ҳа» ҳамда «йўқ» сўзларининг ҳар иккаласи ҳам ўчирилган ёки ҳар иккаласи ҳам ўчирилмасдан қолдирилган бюллетенлар алоҳида тахланади, саналади ва улар бекор деб топилган бюллетенлар қаторига қўшилади.

Қутилардан «ҳа» сўзи ўчирилмаган бюллетенлар нечта чиқса, унда қўйилган масалани ёқлаб овоз берганлар сони шунча бўлади. «Ҳа» сўзи ўчирилиб, «йўқ» сўзи қолдирилган бюллетенлар нечта бўлса, қўйилган масалага қарши овоз берганлар сони ўшанча бўлади.

Участка комиссиясининг барча аъзолари овоз бериш натижаларини ҳисоблашга ва бу ҳақда тузиладиган баён (қарор) тўғри расмийлаштирилишига масъулият билан қарашлари лозим. Участкада овоз бериш якунини ҳисоблаш услуксиз (танаффуссиз) олиб борилади. Оқ рангдаги бюллетень натижалари ҳақида алоҳида ва кўк рангдаги бюллетень натижалари ҳақида алоҳида баён ёзилади. Овоз бериш баёнларининг шакллари Марказий референдум комиссияси томонидан тасдиқланган.

Участка комиссиясининг овоз бериш натижалари бўйича тузиладиган баёнида қуйидаги маълумотлар ёзилади:

1. Овоз бериш рўйхатига киритилган фуқароларнинг умумий сони;
2. Овоз бериш қўшимча бюллетенларини олган фуқароларнинг сони;
3. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сони;
4. «Ҳа» деб жавоб берган фуқаролар сони;
5. «Йўқ» деб жавоб берган фуқаролар сони;
6. Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баёндаги рақамлар тўғри эканлигини текшириш мумкин, унда 4, 5, 6-графалардаги рақамларнинг йиғиндиси 3-графадаги рақамни бериши керак.

Участка комиссиясининг овоз бериш якуни тўғрисидаги баёни дона-дона ҳарфлар билан қўлда ёки ёзув машинасида тўлдирилади ҳамда комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади. Комиссия раиси қатнашмаётган бўлса, унинг ўрнига раис ўринбосари имзо қўяди, комиссия котиби қатнашмаётган бўлса, унинг ўрнига комиссия аъзоларидан бири имзо қўяди.

Баён имзолангандан кейиноқ, унинг асл нусхасини участка комиссияси СССР референдумини ўтказувчи тегишли округ комиссиясига юборади ва уни тезроқ етказиш чораларини кўради.

СССР референдумини ўтказувчи ҳар бир округ бўйича овоз бериш натижалари шу округ ҳудудида жойлашган участка комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисида округга топширган баёнидаги рақамларни жамлаш йўли билан аниқланади. Комиссия округ бўйича овоз бериш якуни ҳақида ўз баёнини тузади, имзолайди ва СССР референдумини ўтказувчи республика Марказий комиссиясига юборади.

Баёнларнинг иккинчи нусхаси тегишли комиссияларда қолади ва бошқа ҳужжатлар билан бирга тегишли Совет ижроия қўмиталарига топширилади.

Референдум куни яқинлашмоқда. Унинг пировард натижаси кўп жиҳатдан сиз билан бизнинг бу тадбирда қандай қатнашишимизга, зиммамиздаги масъулиятли вазифага янглишмай, тўғри муносабатда бўлишимизга боғлиқ.

М. ТЕШАБОЕВ,
СССР референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссиясининг аъзоси, юридик фандари номзоди.

ДОНО ХАЛҚИМИЗ ДАЪВАТИ

Айрилган тўзади,
Бириккан ўзади.

* * *

Бирлашган тоғни талқон қилар.

* * *

Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдирар.
Тўртовлон тугал бўлса,
Кўкдагини ундирар.

* * *

Ҳамжиҳатлик — давлат,
Ёлғизлик — кулфат.

* * *

Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзар.

МУБОРАК ҲАДИСЛАР УҚТИРАДИКИ...

● Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда бирлаштиради.

● Тангри кўпчиликка ёрдам беради. Қимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади.

● Доимо кўпчилик билан бирга бўлинглар. Бўлиниб кетишдан сақланинглар. Кимки жаннатнинг ўртасига тушишни хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин.

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг биринчи съездида дастурий ҳужжатлар муҳокама қилинган эди. Тошкентда шу съезднинг иккинчи босқичи ўтказилди, унда касаба уюшмаси вилоят комитетларининг, жумҳурият вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, олимлар, педагоглар қатнашдилар.

Делегатлар Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси уставининг лойиҳасини, уюшма марказий комитетининг 1991-1995 йилларга мўлжалланган фаолияти устивор йўналишлари дастурини, назорат-тафтиш комиссиялари тўғрисидаги низомни муҳокама қилдилар.

Съезд делегатлари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига мурожаат этиб, тармоқ ходимларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берадиган халқ таълими тўғрисида қонун, бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни ҳавола қилишга қарор бердилар.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди. **(ЎзТАГ).**

● Бугун Тошкентдаги Сиёсатшунослик ва бошқарув институтида «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ва ўзбек атамашунослиги муаммоларига бағишланган жумҳурият илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди. ●

МУРАККАБ ВАЗИФА

• Тил ҳақидаги Қонун—амалда

Халқимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлган «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек атамашунослиги тараққиёти учун янги имкониятлар ва шарт-шароитларни вужудга келтирди. Давлат тили ҳақидаги Қонун лойиҳасини муҳокама этиш ва уни Олий Кенгаш сессиясида қабул қилиш жараёнида, Қонун қабул этилгандан кейин матбуот саҳифаларида кўплаб атама муқобиллари эълон қилинди, уларни муайян бир тизимга солиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш зарурати келиб чиқмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий атамаларини тартибга солиш, атамашунослик луғатларини нашр этиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Маълумки, даврий матбуот саҳифаларида атамаларни тартибга солиш, янги атамалар топиш борасида бир-бирига зид мақолалар эълон қилинмоқда. Атамашунослик учун бу табиий ҳолдир. Зеро, донолар таъкидлаганидек, агар қарама-қарши мулоҳазалар билдирилмаса маъқул фикр қандай саралаб олинади?

Кейинги пайтларда ҳар қандай русча-байналмилал атамаларга янги муқобиллар танлаш авж олиб кетди. Уларнинг аксарияти алмаштириш ҳисобига рўй бермоқда. Ҳатто ўзбекча ёки ўзбекчалашиб кетган атамаларни ҳам арабча, форсча сўзлар билан алмаштиришга ҳаракат қилиняптики, буни мақбул ҳолат деб бўлмайди. Масалан, саркотиб (биринчи котиб), мунаққид (танқидчи), мутаржим (таржимон), мусоҳаба (суҳбат) каби.

Атамалар асосан илм-фан ва махсус соҳаларга хос эканлигини, шунингдек, ҳозирги ижтимоий ўзгаришлар ва фан-техника тараққиёти туфайли турли соҳаларда кун сайин янги тушунчаларни ифодаловчи янги-янги атамалар вужудга келаётганлигини ҳисобга олсак, уни четдан ўзлашган сўзлардан «тозалаш» нечоғлик мушкуллиги аён бўлади.

Байналмилал атамалар ўзбек атамашунослигида катта-гина қисмни ташкил қилар экан, бирданига, қисқа вақт ичида уларнинг барчасини алмаштириш имконияти ва айни пайтда зарурияти ҳам йўқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз четдан ўзлашган атамаларни умуман ўзгартирмаслик лозим деган фикрдан тамоман йироқмиз. Агар таклиф қилинаётган атаманинг муқобили тушунча моҳиятини тўлиқ акс эттирса, шунингдек, атама олдига қўйиладиган талабларга жавоб берса, уни, албатта, алмаштириш лозим.

Маълумки, ҳар қандай янги сўз атама бўлиши ва унинг жамоатчиликка сингиши учун маълум муддат керак бўлади. Шу сабабли агар ҳавола этилаётган янги атама тушунилиши қийин бўлса, унинг русчаси ёки тушунарли бўлган муқобилини қавс ичида: юкхати (накладная), бўнак (аванс) тарзида бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тилимизда ҳозирги кунгача қўлланилаётган, унга сингиб кетган арабча ва форсча-тожикча атамаларни ҳам зўрма-зўраки, сунъий атамалар билан алмаштиришни маъқуллаб бўлмайди. Шусиз ҳам боболаримиздан мерос бўлиб қолган тарихга, маданиятга, адабиётга ва илм-фанга оид бебаҳо дурдоналарни луғатлар ёрдамида ўқиймиз-ку. Агар юқоридагидек таклифларга амал қилсак, келажак авлод бизни ҳам луғатлар орқали тушунишса ажаб эмас.

Фикримизча, ўзбек адабий тилига, жумладан, халқ жонли тилига ўзлашган, унинг онгига сингиб кетган атамалар ўрнига, агар унинг ўзбек тилида муқобили бўлмаса, бошқа сўзлар топишга уриниш, сунъий сўзлар ясаш тўғри эмас.

Назаримизда, кейинги пайтларда ўзбек тили сўз бойлигининг ажралмас қисмига айланиб кетган атамаларнинг ҳам муқобилини топишга уриниш ва кераксиз баҳсларга киришиб кетиш оқибатида энг асосий масалани, яъни Қонуннинг 7-моддасидаги «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш давлат тилида юритилади» деган сўзларни унутаёздик.

Атамаларни тартибга солиш биринчи галда соҳа луғатлари ва дарсликлар яратишга, давлат тилида расмий иш юритишни жорий қилишга қаратилиши керак. Шундай экан, жараён ўрнига кечим, асаб ўрнига жиғ, фаввора ўрнига чашма ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни қўллашни таклиф қилиш Қонунни амалга оширишга қанчалик ёрдам беради? Ўзбек атамаларини ёппасига ўзгартиришга қаратилган бундай таклифлар давлат тилида иш юритишни хуш кўрмаётган айрим раҳбарларга яхшигина баҳона бўлмасмикан?

Бусиз ҳам, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов таъкидлаганидек, баъзи раҳбарлар Давлат тили ҳақидаги парламентимиз тасдиқлаган Қонунни ўзгартиришга уринмоқдаларки, бундай ҳаракатларга қарши қатъий курашмоғимиз керак. Бир-икки раҳбар ўзбек тилини билмаса, бутун бошли Қонунни ўзгартиришимиз керакми?

Атамаларни тартибга солиш тил тараққиётида доимий давом этадиган жараёндир, шу сабабли, энг аввало, расмий иш юритиш ва ижтимоий-маиший атамаларнинг зарурларига муқобиллар топиш ва тартибга солиш ҳақида бош қотирайлик. Уларга ҳар томонлама мос келадиган янги сўзлар топилмасдан туриб, тилимизда ишлатилаётган атамадан воз кечмаслик керак.

Бугунги кунда матбуотда атамалардаги ҳар хилликлар, хом-хатала сўзларни атама сифатида ишлатиш ва таклиф қилишнинг асосий сабаби атама илм-фан, техника ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларни аниқ ифодалайдиган сўз ёки сўз бирикмалари эканлиги, ҳар қандай сўз атама бўла олмаслигини ҳисобга олмаслик натижасидир.

Атамашунослигимизнинг бойитувчи асосий омиллардан яна бири ўзбек шевалари бўлиб, шевалардаги қишлоқ хўжалик, тиббиёт, астрономия, меъморчилик ва бошқа соҳаларга оид халқ нутқидаги бебаҳо хазинани тўплаш, саралаш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

«Атама бурчаклари»да таклиф этилган қуйидаги атамаларга диққат қилинг: сўз илми (морфология), нутқ илми (синтаксис), талабнома (заявка), дилрабо (лирик) каби мисоллардан кўриниб турибдики, таклиф қилинаётган атамалар тушунчанинг моҳиятини мукаммал билмаслик оқибатида вужудга келган чунки сўз илми ва нутқ илмини тилшуносликнинг бошқа бўлимлари ҳам ўрганади улар фақат морфология ва синтаксиснинг ўрганиш объекти эмас. Талабнома атамаси заявка эмас, балки требование атамасига тўғри келади. Дилрабо атамасида ҳам бир томонламалик сезилади, чунки лирик шеърни дилрабо шеър дейиш мумкиндир, бироқ лирик шоир атамасини дилрабо шоир сифатида қўллаш аскиячиларимиз учун тайёр мавзу.

Хуллас, ўзбек атамашунослиги олдида жуда катта ва мураккаб вазифалар турибдики, уларни ҳал этиш нафақат атамашунос ва тилшунослар, балки барча фан соҳалари мутахассислари, матбуот ходимлари ҳаракати билангина амалга оширилиши мумкин.

Х. БЕКТЕМИРОВ,
Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари.

Н. МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг катта илмий ходими.

Халқ иродаси

Тошкент ш., Ленинград кўчаси 32. Совет Ўзбекистони газетасига

РЎЗНОМА ПОЧТАСИ:

● 2 ойдан ортиқроқ вақт мобайнида «Совет Ўзбекистони»га 4 мингдан зиёд хат-хабар, шикоятлар келди.

● **Шуларнинг мингга яқини газетамиз саҳифасида эълон қилинди.**

● Тегишли ташкилотларга текшириб ҳал этиш учун юборилган 400 та шикоятнинг кўпчилик қисмига масала ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоблар олинди. Лекин айрим мутасадди ўртоқлар муддати ўтганлигига қарамай, меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини қондиришга шошилмаётирлар.

Масалан: Собир Раҳимов ноҳия ижроия қўмитаси, Октябрь ноҳия ижроия қўмитаси, Калинин ноҳия ижроия қўмитаси, Тошкент ноҳия ижроия қўмитаси, Чилонзор ноҳия ижроия қўмитаси, Самарқанд область ижроия қўмитаси, Каттақўрғон ноҳия ижроия қўмитаси, Ёзёвон ноҳия ижроия қўмитаси, Фарғона область ижроия қўмитаси, Андижон область ижроия қўмитаси, Свердлов ноҳия ижроия қўмитаси, Сариосиё ноҳия ижроия қўмитаси ҳанузгача шикоятларга жавоб беришмади.

● **Кейинги пайтда газетамизда эълон қилинган мақолаларга билдирилаётган фикр-мулоҳазалар кўпайди. Шундай хатлар 200 дан кўпроқни ташкил этади.**

● **Элликқалъа ноҳиясидаги «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалигида гилам тўқиш цехи фаолият кўрсатмоқда. Цех ўтган йил июнь ойида Хива гилам фабрикаси филиали сифатида очилган эди. Хўжаликдаги 16 қиз аввал фабрикада касб маҳоратларини оширишди. Ҳозир улар бошқаларга устозлиқ қилиш билан ўзлари зарбдорчасига ишлаб, аҳолига иложи борича кўпроқ гилам етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Цехда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар «Тўйлар муборак» ёзуви билан ёш келин-куёвларга сотилмоқда.**

Узаро меҳнат беллашувида чевар тўқувчи Умида Юсупова доимо пешқадам. Суратда: Умида Юсупова гиламдўзлик цехи маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

● СУРЪАТ-ЛАВҲАЛАР



Улоқ халқимизнинг азалий кўнгилочар ўйинларидан. Шу билан бирга у абжирлик, чақконлик, маҳорат баҳси ҳамдир. Наврўз арафасида, экинтикин ишлари олдидан жумҳуриятимизнинг кўпгина қишлоқларида тўйлар, оммавий тадбирлар ўтказиш одат. Уларнинг аксарияти улоқсиз ўтмайди.

Уйчи ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳам улоқ ишқибозлари жуда кўп. Бу ерда бўладиган беллашувларга қўшни ноҳиялар, ҳатто бошқа жумҳуриятлардан ҳам чавандозлар қатнашиб туришади.

Жамоатчи фотомухбиримиз А. Юсуфбоев юборган сурат лавҳаларда улоқ чопиш пайти ва моҳир чавандозлар — ноҳиядаги «Ленин йўли» колхози аъзолари Обилжон Сиддиқов ва Суянали Бўтабековлар олган совринлари билан тасвирланган.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

«Совет Ўзбекистони»нинг нажот хизмати

Маълумки, йил бошида рўзномамизда «Нажот хизмати» ташкил этилган бўлиб, келгусида шу рукн остида муҳарририятимизга хат орқали қилинган мурожаат, сўров, ариза ва шикоятларга тегишли мутахассислар, муассаса ва идоралар орқали жавоб бериш мўлжалланганди.

Ўтган вақт мобайнида сиз, азиз муштарийлардан келган ариза ва шикоятларнинг бир қисми жойларга юборилиб, расмий жавоб олинди. Қуйида уларнинг айримларини эътборингизга ҳавола этамиз.

ҚАТТИҚ ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

Бахтсиз тасодиф туфайли Поп шаҳар марказий касалхонасига зудлик билан ётқизилдим, травматология бўлимида эса операция қилишди. Лекин жарроҳлар эътиборсизлиги туфайли жароҳатим тузалмади. Бунинг устига врачлар мутахассисга кўрсатмай анча қийнашди. Инсон ҳаётига бундай эътиборсизлик билан ёндашганлар шифокор деган номга муносибми!

Б. ТЎЙЧИЕВ.

● Ушбу шикоят юзасидан Наманган область соғлиқни сақлаш бўлимидан қуйидаги жавоб олинди:

— Поп ноҳиясидаги Тўда қишлоғида истиқомат қилувчи Баҳриддин Тўйчиев йўллаган хат теширилди. Унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди.

Ҳақиқатан ҳам беморга нисбатан касалхонанинг травматология бўлими мудири Э. Жумаев ва стаматолог жарроҳ С. Мадалимовалар қўпол муносабатда бўлишган ва унинг жароҳатига нисбатан лоқайдлик кўрсатишган. Даволаш ишларида юзакичиликка йўл қўйилган.

Воқеа Поп ноҳия марказий касалхонаси жамоаси ўртасида кенг муҳокама қилинди ва маъмурият буйруғига асосан травматология бўлими мудири Э. Жумаевга ва стаматология поликлиникаси жарроҳ-стаматологи С. Мадалимовага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

ОШИШ ЎРНИГА ПАСАЙСА...

Биз Амударё ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида жойлашган саккиз йиллик мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаймиз. Жумҳуриятимиз Президенти Фармонига мувофиқ, бошланғич синф ўқитувчиларининг ойлик маошлари оширилган эди. Афсуски, биз илгари қандай ишлаган бўлсак, ҳозир ҳам шундаймиз. Ойлигимиз эса ортиш ўрнига камайди ҳам. Арзимизга ноҳия ижроия қўмитаси ҳам, район халқ таълими бўлими ҳам қониқарли жавоб бермаяпти.

Р. МАТЕҚУБОВ, Р. ЯВМИТБОЕВА, С. НУРУЛЛАЕВА.

● Текшириш ва ҳал қилиш учун юборилган ушбу мактубга Қорақалпоғистон АССР халқ таълими вазирлигидан шундай жавоб олинди:

«Ким» номли мактаб ўқитувчиларининг аризаси бўйича текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, Р. Матёқубов, С. Нуруллаева, Р. Явмитбоева каби ўқитувчиларнинг маошлари ошириш ўрнига пасайтириб юборилган. Бу масала район халқ таълими бўлимида муҳокама этилиб, райОНО мудири Ж. Собировга аризачиларнинг маошларини ошириш юзасидан топшириқ берилди.

ҚАРОР ЧИҚАРИЛДИ

Кўп болали оила бошлиғиман. Оиламда ёши йигирмадан ошган ўғилларим бор. Уларни алоҳида-алоҳида оила қилиб чиқариш зарурати туғилди. Шу мақсадда Риштон шаҳар ижроия қўмитасига томорқа учун ариза билан мурожаат этдим, улар аризамни инобатга олмай сарсон қилишмоқда.

Н. ХЎЖАМБЕРДИЕВ.

● Риштон шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасидан олинган жавобда шундай дейилади:

— Ижроия қўмита шаҳардаги Ўзбекистон кўчаси 13-уйда истиқомат қилувчи Нурмамат Хўжамбердиевнинг хатини ўрганиб чиқди.

Унинг ўғли С. Хўжамбердиев уйланганлиги ва уй етишмаслиги ҳақида шаҳар Кенгашига ариза ёзиб, керакли ҳужжатларни расмийлаштириб топширган. Шаҳар Кенгаши бу оилага томорқа ажратиш ҳақида қарор чиқарди.

УЙ—ШАХСИЙ МУЛК СИФАТИДА БЕРИЛДИ

Улуғ Ватан урушида қатнашчисиман, II группа ногиронман. 1969 йилда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига тегишли уйдан беришганди. Республика Президентининг Фармонида Улуғ Ватан урушида қатнашганларга ўзлари яшаб турган, давлат идораларига қарашли уйларни шахсий мулк сифатида бериш баён этилган эди. Министрликка бориб мурожаат қилишимга қарамай ҳамон талабим амалга ошмаяпти.

Р. ТУРСУНОВ.

● Ушбу хатга Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли лойиҳа-қидирув, илмий-текшириш ва технологик бирлашма қуйидагича жавобни йўллаган:

«Узгипроводхоз» лойиҳалаш институтига қарашли Р. Турсунов яшаб турган уйни унга шахсий мулк сифатида товонсиз беришга қарор қилинди.

● ХУШХАБАРЛАР

ҒАМХЎРЛИК

«Андижанирстрой» трестига қарашли қурилиш бўлинмаларида йигирма беш йил ишлаган кишиларга шу йилдан бошлаб пенсияга чиқиш пайтида ўртача йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот қилиб бериш йўлга қўйилди.

Бу мақсад учун сарфланадиган маблағ қурилиш бўлинмаларида фойдани кўпайтириш ҳисобига олинади. Трест қошида ғишт тайёрлаш заводини ва асфальт цехини ишга тушириш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Келгусида ғишт заводи қурилишлар учун йилига 15 миллион дона маҳсулот етказиб бера бошлайди.

Айни пайтда трест бўйича ишчи ва хизматчиларга туристик саёҳатлар учун йўлланмалар бепул берилмоқда. Курорт ва санаторийларда дам олиб қайтган қурувчилар эса йўлланма нархининг ўн фоизини тўлашяпти, холос. Бу ҳам қурувчиларнинг меҳнат фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Олинган фойда кўпаймоқда. Меҳнат унумдорлиги ҳам ўсмоқда. Ўтган йилнинг ўзида қурилиш бўлинмаларида рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ўзидан 100 минг сўмга яқин иқтисодий самара кўрилди.

К. НИШОНОВ.

ҚУЛАЙЛИК

Наманган шаҳар троллейбус бошқармаси йўловчилар узоғини яқин қилиш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Яқинда бошқармага Саратовдан янги троллейбуслар келтирилди.

Энди йўловчиларга 47-50 та троллейбус икки сменада хизмат кўрсатяпти. Янги троллейбуслар Наманган шаҳрини, Совет ноҳияси ва бошқа ноҳиялар билан боғланувчи узоқ линияларда хизмат кўрсатаётир. Натижада яна олтита маршрут очилди. Йўловчиларга қулайликлар яратилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

МУШТАРИЙ:

... хабар қилади

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Ғиждувон шаҳар марказидаги пахта тозалаш заводи атрофида яшовчи аҳоли у ердан чиқаётган чангдан ёзинқишин азият чекишарди. Жазирама иссиқ кунларда ташқарига умуман чиқиб бўлмасди.

Аҳолининг юқори ташкилотларга ёзишмалари зое кетмади. Ҳақли талаби инобатга олиниб, Ғиждувондаги 106-пахта заводи 1990 йил июнь ойидаёқ беркитилди. Мана саккиз ойдирки, экология яхшиланиб бормоқда, аҳоли эса тоза ҳаводан нафас ола бошлади.

Т. МАҚСУДОВ.

... таклиф қилади

ҚАДРИНИ ОШИРИШ КЕРАК

Ҳозир ўқувчилар учун оддий дафтар топилмайди, дарсликлар етишмайди. Илмий, бадиий асарлар кам нусхада нашр қилинади. Рўзномаю ойномалар нархи ҳам бир неча баробар ошиб кетди.

Қоғоз танқис дейишмоқда. Тўғри. Бу муаммони ҳал қилиш учун мактаб ўқувчилари қоғоз тўплаб топширишади. Бу урвоқ ҳам бўлмайди. Бунинг устига нархи ҳам арзон. Бир килограммга икки тийин ҳақ тўланади.

Ишлатилган, муддати ўтган рўзнома, ойнома ва яроқсиз ҳолга келган китоблар ахлатхоналарга даста-даста қилиб чиқариб ташлаганининг, хирмон қилиб уйиб ёқиб юборилганининг гувоҳи бўлганман. Қоғоз парчалари ҳовлиларда, кўча-кўйда тўзғиб, сочилиб ётади. Қисқаси, эски қоғоз парчалари хор бўлмоқда.

Бизнингча, ишлатилган қоғозни тўплаб топшириш, унинг қадр-қимматини ошириш учун дастлаб нархини қайта кўриб чиқиш лозим. Иккинчидан, ҳар бир қишлоқда қоғоз қабул қиладиган дўконлар ташкил қилинса, айни муддао бўлар эди.

Қадим Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарилган ва бу қоғозлар бутун дунёга машҳур бўлган. Эски, қадимий анъанани тиклаб бўлмасмикан? Иқтисодий мустақиллик учун кураш кетаётган шу паллада қоғоз ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйиларди. Қимматли хом ашёга бўлган талаб қондирилган бўлар эди.

Ш. ОТАҚУЛОВ, ўқитувчи, Пайариқ ноҳияси.

... танқид қилади

ТУТУРУҚСИЗ РЕЖА

Китоб-Шаҳрисабз ноҳияларида ҳамма ташвишга тушиб қолди. Турли-туман миш-мишлар тарқалди. «Эшитдингизми, Уванинг гази тугаб, яна бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етармиш?»

Бу гаплар бекорга тарқалмаган экан. Орадан сал ўтмай жуда кўп жойларда газ босими кескин пасайди. Декабрнинг охири, январнинг бошидаги совуқ кунларда айниқса, уйлари газ билан иситиладиган хонадонларда яшовчилар жуда қийналишди. Корхона, идора, ташкилотларнинг газ билан ёнадиган иситиш тармоқлари ёпиб қўйилди. Шаҳрисабздаги пахта тозалаш, консерва заводлари, ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа ташкилотларда газ билан ишлайдиган печлар мазутга мослаштирилди. Аслида мазутни топиш ҳам осон бўлгани йўқ. Шунинг ўзиданғина корхона, ташкилот, муассасалар мингминг сўмлаб зарар кўрди.

Хўш, нега шундай бўлди? Бу аввало, кўпгина режаларимизнинг тутуруғи йўқлигига келиб тақалади. Чироқчи ноҳияси теграсида жойлашган Увада газ конини топган геологлар «бу ерда 570 миллион кубометр газ бор, уч-тўртта ноҳияга 1995 йилгача етади», деган эканлар. Газнинг эса 170 миллион кубометри ишлатилмай «таги кўриниб қолди». Қудуқлардан газ ўрнига сув отилиб чиқа бошлади. Фақат битта йўл қолганди. Бу газ тармоғини Шўртан конига улаш.

Аммо қувурларни Шўртан конига улаш ишлари 1991 йилнинг тўртинчи чорагида амалга оширилармиш. Бу ҳам ҳали аниқ эмас. Вилоятнинг «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномасида ёзилишича, 16 километрли масофага қувур ётқизиш талаб қилинаркан. Хўш, агар ҳозир милтиллаб ёниб турган «Увада гази» шунгача етмасачи? Унда Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари, газ ўтган қишлоқлар нима қилади?

А. ЙУЛДОШЕВ, Шаҳрисабз ноҳияси.

● Тожикистондан хат

БИР ЧИНОРНИНГ ИККИ ШОХИ

Қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ халқлари бир-бирлари билан яқиндан дўст бўлиб яшаганлар. Инқилобдан сўнг юз берган миллий чегараланиш даврида кўплаб тожиклар Ўзбекистонда, ўзбеклар Тожикистонда истиқомат қиладилар. Масалан, фақат Кубодиён, Шаҳритуз ноҳияларинги ўзида юз мингдан ошиқ ўзбеклар яшайди. Кубодиён ноҳиясининг ўзида ўн олти ўзбек фарзандига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Шу икки ноҳияда қарийб икки мингга яқин байналмилал ўзбек-тожик оилалари бор. Каминанинг ҳам онам тожик фарзанди. Бу икки миллатнинг қадимдан бир жону бир тан, бир чинорнинг икки шоҳи эканлигидан далолат беради. Умуман, то қайта қуриш шамоли эса бошлагунига қадар бу ерлик ўзбеклар ўзлари учун нималар танқислигини сезишмасдилар.

Айнан ошкоралик, демократия уларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини кенгайтирди. Шу сабаб айрим маънавий жиҳатдан амалга ошиши лозим бўлган муаммолар кўзга ташланиб қолди. Ўзбек (умуман, барча миллат вакили ҳам) қаерда бўлмасин — ўзбек. У ўз тили, маданияти, тарихи ва удумини сақлаш шарт. Ноҳиямиз аҳолисининг эллик тўрт фоизи ўзбеклар. 49 та умумтаълим мактабининг 40 тасида ўзбек фарзандлари таълим олишади.

Сурхондарё билан ёнма-ёнмиз. Сурхонликлар Кубодиён ё Шаҳритуз ноҳияларимизда бозор қилишса, бу ердагилар Термизга бориб бозор қилишади. Ат-Термизий юбилейига бориб байрамда қатнашди.

Ниятимиз холис. Бу ерлик ўзбеклар этнографияси ва тили ўрганилса, дейміз. Ўзбекистонлик мухбирлар Тожикистонда яшаётган ўзбеклар, тожикистонлик қалам соҳиблари эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожиклар ҳаёти ҳақида кўпроқ, тез-тез ёзиб туришса! Бундан ташқари мухбирлар постлари ташкил этиш ҳам айни муддао бўларди.

Неъмат Муҳаммат САИД.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

ХАЁЛ

Хаёлларим учун дунё бир қадам
Қувалаб етолмай қоламан гоҳи.
Хаёл қўйлагига уқа хотирам,
Бедор тунлар унинг кумуш тузоғи.
Ортидан қуваман, учаман қушдек,
Етдим деган оним қочиб қолади.
Алдайди ва бундан ул кўнгли хушдек
Оромим ўғирлаб тез йўқолади.
Чувалган этагин руҳимга ёпиб,
Бетизгин ва сарсон олам кезади.
Унинг оғушида ўтган ҳар оним,
Қалбимдек оппоғу, нурдек тозадир.
У жон-жаҳонимга ёқади ўтлар,
Кўксим тўлиб кетар оташ ёлқинга.
..Бормдан кечмоққа тайёрман, тайёр
Хаёл, эртакларнинг айланса чинга.

Мавлуда ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳри.

ЭЛДА АЗИЗ

ПИРУ-БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Ховос ноҳиясидаги Тимирязев номли жамоа хўжалигининг Пастки Сармич қишлоғида бир табаррук онахон яшайди. Юз ёшдан ошган онахонни қишлоқ аҳли ғоят ҳурмат қилади, тўй-маъракалари у кишининг маслаҳатисиз ўтмайди. Чунки Зумрад момо Бердиқулова жуда кўп воқеаларни бошидан кечирганлар. Ёмон-яхшининг фарқига етадилар.

— Мен 1890 йилда таваллуд топганман,— дейди Зумрад момо.— Уша пайтдаги бошқа аёллар қатори қўлимдан иш келгач, уй юмушлари билан машғул бўлдим. Кейинчалик турмуш қурдим, фарзандлик бўлдим. Сўнгра 1933 йилдаги қийинчилик даврида уйда ўтиролмадим. Кетмон кўтариб, далага чиқдим. Ер чопиб, ғўза суғордик, этак боғлаб пахта тердик.

Уруш йиллари, айниқса, оғир кечди. Эркаклар билан бир қаторда Фарҳод каналини қазишда иштирок этдим. 1943 йилда чўл ўзлаштириб, Боёвут районда «Коммунизм» колхозини ташкил этишда қатнашдим...

Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек Зумрад момо ҳам ҳалол меҳнати билан ҳамқишлоқлари ҳурматига сазовор бўлди. Иккинчи асрга қадам қўйган момо ҳали бардам, тетик. Ўғли, келини, набираю, абираларн даврасида уларга бош бўлиб, ҳузур-ҳаловатда яшамоқда.

Г. ОСТАНАҚУЛОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Ленинград район Кенгаши ижроқўми қошида «Меҳр-шафқат фонди» ташкил этилди. Қисқа вақтда СССР жамғармалар банки ноҳия бўлимидаги 084-ҳисобга 10 минг сўмга яқин пул тушди. Фонд маблағи тобора кўпайиб бормоқда.

В. РАҲИМОВ.

* * *

ҒАЛЛАОРОЛ. «Соҳибкор» совхозидаги «Дўстлик» болалар боғчасининг қурилганига 20 йилдан ошди. Хўжалик маъмурнятининг эътиборсизлиги туфайли у ночор аҳволга тушиб қолган. Стол, стуллар, ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар етишмайди. Тарбиячиларнинг малакаси паст.

Д. САИДХУЖАЕВА, совхоз ишчиси.

* * *

Газета-журналлар вақтида келмаганлиги туфайли мен «Совет Ўзбекистони» рўзномасига хат йўллаган эдим. Таҳririят аралашуви билан нашрлар вақтида келадиган бўлди.

Б. ЁҚУБЖОНОВ, Архангельск области.

Ўзбекистон ССР Юстиция Министрлиги
Қашқадарё область Китоб район ХАЛҚ СУДИ

Узбекская ССР Министерство Юстиции
НАРОДНЫЙ СУД Китабского района Кашкадарьинской области

Инд. 731740—г. Китаб ул. К Маркс—45 — Телефон 21-256. расчет 14401, Китабское отд. к-б.

от «10» 01 91г. 198 № 9.

17.01.91.

"Совет узбекистони" г^зет^си х^тл^р в^ омм^вий ишл^р будиминнг мудири урт. К.Рихсиевг^.

копияси: Китоб р^йон Китлик совхоз, Конгли к-к. Р^химов Ж^ур^кулг^.

Китоб р^йон х^лк суди Сиз томонингизд^н х^лк судиг^ юборилг^н Р^химов Ж^ур^кулнинг ^риз^сини текшириб чикиб куйид^гил^рни м^лум кил^ди.

Р^химов Ж^ур^кулнинг оил^си Клсимов^ Робия х^лк судиг^ ^лимент ундириш х^кид^ ^риз^ берг^н, у ^риз^ х^лк судид^ курилиб 27.08.90 йилд^ ^лимент ундириш х^кид^ к^рор чик^рилг^н булиб, Р^химов Ж.бол^сини т^рбиясой учун ^лимент тул^б келмокд^. Бунд^н т^шк^рй Р^химов Ж^ур^кул 04.09.90 йилд^ Косимов^ Робияг^ Нисб^т^н от^лик тугрисид^ эътироз^ билдириб х^лк судиг^ ^риз^ топширг^н, ушбу ^риз^ судд^ курилиб Р^химов Ж.нинг узининг ^риз^сиг^ ^сос^н томонл^р келишг^ликл^ри с^б^бли ишни кури^сд^н колдириш х^кид^. 14 сентябрь 1990 йилд^ ^жрим чик^рилг^н.

Бу х^кд^ги ^жрим д^н в^ Р^химов Ж^ур^кулнинг ^риз^сид^н копиял^ри Сизг^ юборил^ди.

Иккинчи ^дрес^ м^лумот учун билдирил^ди.

илов^: Биринчи ^дрес^ ^риз^ копияси 1 в^рок, ^жрим копияси 1 в^рок.

Китоб р^йон х^лк судининг р^иси Д.Ж^ур^дов^.

Китаб з 3925 500 экз.

● Балки жавобингизни тушунтириб берарсиз?

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ҲУРМАТСИЗЛИК?

Кейинги пайтда рўзномамизга у ёки бу масалада ёрдам сўраб ёзилаётган хатларнинг сони анча ортди. Шикоят ва аризалар тегишли ташкилот ва органларга юборилиб, улардан аксар ҳолларда ижобий жавоблар олиняпти. Аммо айрим жавоблар пала-партиш, эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан ёзиб юборилаётгани таажжублантиради. Улар билан танишиб чиқсангиз масала ҳал бўлганми, бўлмаганми, билолмайсиз. Шундай жавоблар ҳам учрайдики, унга қўл қўювчилар матнда нималар ёзилганини ҳатто ўқиб кўришни ҳам ўзларига эп кўришмаган.

Ҳурматли муштарий! Сўзимизнинг исботи учун Китоб район халқ суди раиси имзоси билан келган ушбу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз. Биз унда нималар баён этилганини ўқиб тушуна олмадик. Балки буни суд раиси тушунтириб берар?

РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ

● Жамият турмушининг барча соҳаларини қамраб олган қайта қуриш илмий тадқиқотларни ташкил этиш соҳасида ҳам туб ўзгаришларни тақозо этмоқда. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шароитида илм-фаннинг мавқеи, мамлакатда бошланган янгиланиш жараёнининг муваффақиятга эришиши учун олимларнинг масъулияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 11 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиллик умумий йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фаолиятининг асосий якунлари ва жамиятни янгилашда илм-фаннинг мавқеи тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов маъруза қилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раёсатининг 1990 йилги иши ва 1991 йилги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳақида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раёсатининг бош илмий котиби, академиянинг мухбир аъзоси М. Ш. Шарифхўжаевнинг маърузаси ҳам тингланди.

Йиғилиш қатнашчилари ўтган йил илм-фанни ташкил этишнинг, муҳим тадқиқотлар даражасини, илмий ишланмалар, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг янги, жадал шаклларини излашнинг муҳим босқичи бўлганлигини таъкидладилар.

Ўтган беш йиллик мобайнида республика Фанлар академиясининг юзлаб ишланмалари халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилди ва бундан салкам 700 миллион сўм иқтисодий самара олинди. Илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техникавий ва экспериментал базаси мустаҳкамланмоқда. Чунончи, академия фани «Қуёш» ноёб иншооти, микробиология, кимё ва полимерлар физикаси институтларининг технология корпуслари билан таъминланди.

Илм-фаннинг фундаментал соҳаларида ҳам, шунингдек, амалий тадқиқотларда ҳам, жумладан, математика, ярим ўтказгичлар физикаси, электроника, механика, кимё, микробиология, археология, геология ва бошқа йўналишларда бир қатор илмий натижаларга эришилди. Илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ошди. Умуман республика Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари ўтган йили энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган беш юздан кўпроқ мавзуни ишлаб чиқдилар.

Шу билан бирга йиғилиш иштирокчилари илм-фаннинг фан-техника тараққиёти моҳиятини ва истиқболини белгиловчи бир қанча йўналишларида: биотехнология, генлар муҳандислиги, микроэлектроника соҳасида Иттифоқ ва жаҳон даражасидан жиддий орқада колиш сезилганлигини ва бу нарса мунтазам кучайиб бораётганлигини айтдилар. Экология, сув хўжалиги, энергетиканинг регионал муаммоларини ҳал этишда илмий муассасалар қўшаётган ҳисса ҳали етарли эмас.

Вужудга келган вазият олимлар олдига республикада фан-техника сиёсатини шакллантиришнинг асосларини, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш қоидаларини тубдан қайта кўриб чиқиш муаммосини қўймоқда. Илмий тадқиқотларни жорий этишнинг мавжуд воситалари ҳам хўжалик юритишнинг янги шароитида яроқсиз бўлиб қолди.

Фанлар академиясида бошқарувнинг янги, янада самарали усулларини, илм-фанни ташкил этишнинг демократиялашни кенгайтиришга, пировард натижа учун илмий жамоалар масъулиятини оширишга қаратилган илғор шаклларини жадал қидириб топишни авж олдириш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Таҳлил илмий тадқиқотлар тузилишида устун йўналишларни ривожлантириш томон ҳозирча муҳим ўзгаришлар содир бўлмаганлигини кўрсатди.

Илм-фаннинг куч ва воситаларини беҳуда сарфлаш ҳатто кўпайганлиги нутқларда таъкидлаб ўтилди. Бу режалаштиришнинг мавжуд усулларидаги камчиликлар билан боғлиқдир. Мамлакатда илм-фанни ривожлантиришдаги тахминларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси етакчи мавқеларни эгаллаши зарур бўлган устун йўналишлар ажратиб кўрсатилди. Микроэлектроника, ғўза генетикаси ва селекцияси, пахта комплекси машиналари, механизмлари ва системалари назарияси, янги юксак самарали дефолиантларни яратиш, суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини ва самарадорлигини ошириш ана шу йўналишлар қаторида тилга олинди.

Бироқ кўпгина ҳолларда устун йўналишларни аниқлаш, прогнозлар тузиш, илмгоҳлар тузилишини ўзгартириш расмиятчилик билан, имкониятларни ҳисобга олмай амалга оширилган. Тадқиқотлар мавзуини анча янгилаш талаб этилади. Ер қимирлашларни олдиндан айтиб бериш, сейсмик районлаштириш, нуфус жараёнлари ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари шароитида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари йўналишларда тадқиқотларни ривожлантириш зарурати етилди. Миллатлараро муносабатлар, маданият муаммоларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар янада ривожлантирилиши лозим. Йиғилишда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг: пахта комплекси, экология, соғлиқни сақлаш, ресурсларни тежашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга куч-ғайратларни сафарбар қилиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланди.

Республикада илм-фан муассасаларининг фаолияти ҳали фан-техника тараққиётининг чинакам олға бошловчи кучи бўлиб қолмаганлиги айтиб ўтилди. Бошқарувнинг янги усуллари тўла куч билан ишлаши учун фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам иқтисодий воситасини вужудга келтириш, «тадқиқот — ишлаб чиқариш» тўла туркумини бошқаришда Академия фанининг аниқ иштирокини таъминлаш зарур.

Тармоқлараро илмий-техникавий комплекслар, марказлар ва лабораториялар, муваққат илмий-ишлаб чиқариш жамоаларини вужудга келтириш йўли билан тадқиқотларни ташкил этишнинг янги шаклларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш илм-фанни жадал ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиши зарур. Куч-ғайратлар Академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ фанларини ривожлантиришга, илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлашнинг самарали системасини вужудга келтиришга, муассасаларнинг моддий-техникавий базасини ривожлантиришга ҳам қаратилиши лозим.

Умумий йиғилишда Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мақоми тўғрисидаги Фармони долзарб ва муҳим Фармон эканлиги таъкидланди. Ана шу Фармонга мувофиқ республика Фанлар академияси Ўзбекистон ССРнинг қонунлари ва ўз Устави асосида иш кўрадиган мустақил, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот деб белгиланган. Академиянинг ўзи устун йўналишларни танлайди, муҳим тадқиқотлар дастурларини тузади, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан яхлит тарзда ривожланиш йўлларини белгилайди.

Йиллик йиғилиш ишида республика Вазирлар Кабинети Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КИТОБЛАР МУСОБАҚАСИ

ДУШАНБЕ, 12. Тожикистон пойтахтида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон «Китоб санъати» танлови бошланди. Бу кўрик китоблар, рўзномалар, ойномалар, плакатларни безашда бевосита қатнашаётган ноширлар, рассомлар, босмахона ходимларининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлади. Ўрта Осиё минтақасидаги йирик нашриётлар, шунингдек жумҳурият ва вилоят ойномаларининг таҳририятлари бу танловга ўз ишларини тақдим этишди.

(ТАСС).

САНЪАТГА ФИДО УМР

• *Шукур Бурхонов тавалл удинини 80 йиллигига* •

Улуғ актёр «Қиёмат қарз», «Бой ила хизматчи», «Шоҳ Эдип» спектакларида.

ХАЛҚИМИЗ қалби сахий, олижаноб бу инсонни, улкан саҳна соҳибини самимий ардоқлаганидан, севганидан, улуғлаганидан Шукур Бурхон деб атайди. Назаримда, ҳамма — Шукур акани шахсан билган, унинг юксак ижрочилик санъатидан баҳраманд бўлган кишилар уни чуқур меҳр билан эслайди. Сабабини Шукур ака яратган энг сўнгги образ — Сулаймон ота билан изоҳлаш мумкин.

Сулаймон ота ва Шукур аканинг ҳаётий фалсафаси, дунёқараши, эътиқоди, имони бирдай туюлади кишига. Гўё драматург Ўлмас Умарбеков ўзининг «Қиёмат қарз» драмасини, ундаги бош қаҳрамон Сулаймон ота образини Шукур Бурхоновга атайин бағишлаб ёзганга ўхшайди. Балки шундай ҳамдир. Ҳар қалай образ билан актёр шаклан ва мазмунан бир-бирига тамомила сингиб кетган. Чунки Шукур ака ҳам Сулаймон ота сингари одамларга ишонч ва ихлос билан қараш, уларни эъзозлаш, эзгуликка ундаш, уларга маънавий озуқа бериш, завқ бағишлаш, ҳамдард бўлиш ва сўнгги нафасгача халол меҳнат қилишни ўзига қиёматли қарз деб билган. Ана шунинг учун ҳам Шукур Бурхоновнинг барҳаёт сиймоси, унинг талқинидаги қатор образлар халқимиз онгига, қалбига қаттиқ ўрнашиб қолган.

Шукур ака гулчининг фарзанди. Бурхон отанинг гулга шайдолиги унда гўзалликка, эзгуликка катта ихлос уйғотади, санъатга чорлайди. Шукур акани ҳеч ким театрга етакламади ва таклиф ҳам этмади. Ўзи Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятовлар ҳузурига дадил кириб келди. Унинг туғма истеъдоди, табиатан ақллилиги, қалбининг туйғунлиги, жўшқин эҳтироси, саҳнабоп жуссаси, тўлиқ ва жарангдор овози, тагдор гапнинг маъносини ифодаловчи сўзларга аниқ урғу бера олиш санъати томошабинларни ҳам, саҳнадошларини ҳам мафтун этди. Хусусан ижодий тафаккурнинг ўткирлиги ва тезкорлиги, айтилган фикрни дарҳол илғаб олиб, тўғри ривожлантира олиш қобилияти, изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги М. Уйғурнинг диққатини тортди, ёш актёрнинг истиқболига ишонч уйғотди. Айни ана шу ижодий ҳамда инсоний фазилатлар Шукур акага бош ролларни ижро этишга имкон берди.

1934 йилда Шукур Бурхонов У. Исмоиловнинг «Рустам» драмасида Рустам образини яратди. Ўшанда у 24 ёшга кирган эди. Шукур ака бу ролни буюк актёр Аброр Ҳидоятов билан галма-гал ижро этди. Бироқ устозига тақлид қилмай, образни ўзича ҳал этди, унга ўз тушунчасидан келиб чиқиб ўзгача мазмун, ўзгача оҳанг бағишлади. Энг муҳими, Рустам образи Шукур аканинг актёрлик йўналишини аниқ белгилаб берди — у қаҳрамонона-романтик йўсиндаги санъаткор сифатида яққол кўзга ташланди.

Шукур Бурхонов Ҳамза номли Академик драма театри саҳнасида қариб 60 йил яшади, ижод қилди. Шу давр ичида унинг талқинида ўнлаб турли-туман образлар яратилди. Уларнинг ҳар бири бир олам.

1939 йилда саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғофир — Шукур ака орзу қилган йирик образлардан бири бўлди. Актёр Ғофирни бадиий умумлашган реалистик образ даражасига кўтаришга интилди. Ғофир тимсолида чоризм амалдорлари ва маҳаллий бой-феодаллар зулми остида силласи қуриган меҳнаткаш халқни, унинг инқилобий онгининг шаклланиш жараёнини кўрсатишни мақсад қилди.

Шукур Бурхонов фақат миллий драматургиямиз асарларидаги образларни талқин этиш билан чекланмади. Масалан, қирқинчи-эллигинчи йилларда ижро этилган роллари орасида В. И. Ленин образи Шукур ака ижодида алоҳида ўрин эгаллади. «Учқундан аланга», «Унутилмас 1919 йил», «Йўлчи юлдуз», «Кремль соати», «Кураш йиллари» каби спектакларда В. И. Ленининг барҳаёт сиймосини гавдалантирди. У «Ревизор» комедиясида шаҳар ҳокими, «Айбсиз айбдорлар» драмасида Незнамов, «Ваня тоға» асарида Войницкий образларини усталик билан яратди.

Актёр ғарб классиклари драматургиясида ҳам бир қатор образлар, жумладан, Шекспир яратган Ҳамлет, Ромео, Брут каби образлар устида иш олиб борди. Улар орасида, хусусан, «Юлий Цезарь» спектаклидаги Брут образи Шукур аканинг муҳим ижодий ғалабаларидан бири саналади. Бу образ бутун спектаклнинг ғоявий йўналишини, умуман тақдирини ҳал қилди. Актёрнинг образ талқинига янгича ёндашгани ва уни ҳаққоний яратганлиги туфайли асар бош қаҳрамони Цезарь иккинчи даражага ўтиб, Брут спектаклнинг асосий қаҳрамонига айланди. Брут образининг бу тарзда ҳал этилиши совет театри тарихида биринчи марта тажриба қилиниши эди.

Брут образининг мукаммал саҳнавий талқини Шукур акага катта шуҳрат келтирди, уни жаҳоннинг буюк актёрлари қаторига кўтарди. Мирзо Улуғбек, Шоҳ Эдип сингари ўта мураккаб образларнинг яратилишига мустаҳкам замин ҳозирлади.

ХАМЗА номли Академик драма театри 1961 йилда томошабинга М. Шайхзоданнинг «Мирзо Улуғбек» драмасини кўрсатди. Бош қаҳрамон — Улуғбек ролини Шукур ака ижро этди. У Улуғбек образининг саҳнавий талқини ҳақида батафсил фикр юритиб, жумладан, қуйидагиларни айтганди:

«Менинг тушунчамча, фан, илм, маърифат, темурийлар давлатининг яхлитлиги, тотувлиги, халқ истиқболи — ана шулар Мирзо Улуғбек ҳаётининг туб маъносини, мазмунини белгилаган. Назаримда, фансиз, маърифатсиз ёруғ ва кенг олам Улуғбек кўзига зиндондек қоронғу ва тор бўлиб кўринар. Шунинг учун умрининг кўпроқ қисми мадраса ва расадхонада ўтгандир. Менинг тасаввуримда Улуғбек тим қоронғу осмонда порлаб турган юлдуздек. Унинг сиймосини саҳнада ана шундай мужассамласам деган мақсаддаман».

Шукур ака мақсадига эришди. Актёр Улуғбекни темурийлар давлатининг ҳукмдори сифатида ғояларини амалга ошириш, аввало, улуғ олим ва сиёсатдон давлат арбоби сифатида акс эттирган. Бурхонов талқинидаги Улуғбекнинг қиммати яна шундаки, актёр ўз қаҳрамонини тамомила маънавий тарзда ҳал қилмай, тирик инсон сифатида ҳам тасвирлаган, яъни оддий одамга хос дардини, бой ҳиссиётини, фикр-туйғуларининг ҳаракатини, инсонга, ҳаётга фалсафий қарашларини юксак маҳорат билан кўрсатган. Воқеалар жараёнида томошабин кўз ўнгида Улуғбекнинг романтик руҳ билан суғорилган монументал сиймоси гавдаланиб турарди.

1965 йилда суратга олинган «Улуғбек юлдузи» фильми (бу ерда ҳам Улуғбек ролини Шукур ака ижро этди) ва Ҳамза номли театрда қайта қўйилган «Мирзо Улуғбек» драмасидан кейин, Шукур Бурхонов Улуғбек образини қанчалик тарихан тўғри ва мазмунан чуқур, шунингдек, бадиий жиҳатдан мукаммал ҳал қилганлиги янада яққолроқ ва равшанроқ кўзга ташланди.

Шукур ака «Шоҳ Эдип» трагедиясида бош қаҳрамон — Эдип образини яратди. Бу унинг ижодий маҳорат чўққиси эди.

Кўплар «Шоҳ Эдип»ни Шукур Бурхон спектакли деб айтишади. Улар ҳақ. Театр жамоасининг бундай ажойиб саҳна асари яратишдаги улкан ҳиссаси ҳам катта. Аммо асар ғоясининг саҳнада тўғри гавдаланиши, спектаклнинг мукаммал ва ҳаққоний тус олиши кўп жиҳатдан Эдип образининг қандай талқин қилинганлигига боғлиқдир.

Артист образни талқин қилишда унинг ўзидан, қаҳрамонининг табиатидан, инсоний феъл-атвори ва руҳидан, маънавий ва ҳиссиёт оламидан келиб чиққан. Моҳир санъаткор Эдипнинг фожиавий хатоси қандайдир «машъум қисматнинг» эмас, балки унинг ўтмишда ибодатхона хизорининг «кароматига» эътиқод қилганлигининг оқибати эканлигини аниқ ва мантиқан асослаб тасвирлади. Актёрнинг катта ижодий ютуғи шундаки, у Эдип образи замиридаги одамийлик ғоясини спектакль давомида моҳирона очиб бериб, инсонни улуғлади, унинг илоҳий кучлардан афзаллигини акс эттирди.

Серқирра ва улкан истеъдодга эга бўлган Шукур Бурхонов фақат саҳнада эмас, киноэкранда ҳам қатор образлар яратиб, миллий санъатимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Хусусан, унинг талқинидаги Ғофир, Улуғбек, Ялангтўш, Азнаур, Қаландаров, Маҳмудов каби образлар томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Бу образлар билан актёр ўзбек кино санъатининг ривожига катта ҳисса қўшди.

«Шукур Бурхонов яратган образлардаги фикрнинг кенглиги, чуқур психологизм, равшан ва ўзгача талқин, романтик кўтаринкилик, саҳнанинг бутун борлиғини ўз измига бўйсундира олиш маҳорати қозоқ театр мухлисларига ҳам манзур бўлган. У ўзининг бир неча ажойиб образлари билан ўзбек театр санъати тарихинигина эмас, балки Иттифоқимиз театр санъати тарихининг бойлигига ҳам муносиб улуш қўша олган ижодкордир». Таниқли қозоқ актёри ва режиссёри Шакен Аймановга тегишли бу сўзлар халқимизнинг ифтихори Шукур аканинг ижодий қиёфасини, театр санъати соҳасида тутган ўрнини ғоят аниқ ва тўғри ифодалаган.

Чиндан ҳам, Шукур Бурхонов яратган қайси бир образни олманг, «қандай мураккаб ҳамда бир-бирига тақдиран ўхшамаган ролларни бажармасин», уларнинг ҳаммаси «фикрнинг кенглиги, чуқур психологизм, равшан ва ўзгача талқин, романтик кўтаринкилик» билан ажралиб туради. Ҳар бири ўзбек театри тарихига алоҳида зарварақ бўлиб кирди ва актёрлик маҳорати борасида ёш истеъдодлар учун ҳақиқий ижодий мактаб вазифасини ўтайди.

Фрунзе ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

МУҲИМ ОМИЛ

Ҳозирги шароитда толиби илмлар ижтимоий тараққиётни қандай тушунадилар? Маълумки, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездлари, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари материаллари ва сиёсий ҳужжатлар жамият тараққиёти, қайта қуриш нафасини янгича ҳис этиш омили бўлиб, тарбиявий аҳамиятга молиқдир. Бу борада Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика илмгоҳида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ўтказилган ўқитувчи-олимлар илмий методик конференцияси шу мавзуга бағишланди. Анжуманни илмгоҳ ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор М. А. Зоидов очди. Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида малакали ўқитувчи-кадрлар тайёрлашдаги баъзи муаммолар тўғрисида тингланди. Йиғилиш икки кун давом этди. 40 секцияда 400 дан ортиқ докладлар тингланди. Йиғилиш кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮКСАК НАТИЖАЛАР

● Пекин шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Хитой Халқ Республикаси спортчиларининг биринчи учрашуви ўтказилди. Мусобақада жумҳуриятимизнинг 14 нафар енгил атлетикачиси иштирок этди. Дўстлик, ҳамкорлик ва бўлажак Осиё спорт ўйинларига тайёргарлик тарзида ўтказилган бу мусобақада Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, баландга сакрашда самарқандлик Сергей Евсеев 2 метру 9 сантиметр, тошкентлик Светлана Рубань 1 метру 83 сантиметрли натижа билан ғалаба қозонишди. 1500 метрга югуришда навоийлик А. Шамсиев билан тошкентлик Л. Якубович маррада биринчи бўлдилар. Ларса шунингдек, 3 километрлик масофани ҳам биринчи бўлиб босиб ўтди. Тошкентлик Анвар Кучмуродов 100 метрни 10,4 секундда босиб, маҳорат кўрсатди. Уч хатлаб сакрашда фарғоналик Е. Онофренко билан тошкентлик В. Черников зафар қўндилар. Мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

ФУТБОЛ:

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАР

● Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг дастлабки тур учрашувларини якунлашди. «Металлург» футболчилари пойтахт спартакчиларини 2:1 ҳисобида ютишди. Киев динамочилари торпедочиларга имкониятни (1:3) бой беришди. Москва динамочилари билан «Шахтёр» учрашуви 1:1 бўлди. Шундай қилиб, мавсум бошида ЦСКА, «Арарат», «Металлург», «Торпедо» жамоалари иккитадан очколи бўлишди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КРАСНОХОЛМСК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ГЕОЛОГИЯ БИРЛАШМАСИ

радиацион экологияга оид тадқиқотларни ўтказади

Бу ишлардан мақсад — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдир. Ишлар жараёнида аниқланган радиоактив ифлосликлар манбаи зарарсизлантирилади.

БИРЛАШМА ШАРТНОМА АСОСИДА

ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

радионуклидларнинг катта-катта майдонларда тарқалишига доир ахборотларни жадаллик билан қабул қилиш имконини берадиган аэрограмма-спектрометрия ва автогамма-спектрометрия йўли билан суратга олиш;

— нисбатан унча катта бўлмаган майдонларда радиоактив ифлосликлар манбаини аниқлаш эҳтимоли юқори бўлган синчиклаб пиёда юриб текширган ҳолда гамма-съёмка усулида суратга олиш;

— турар жойлар ва томорқа-ҳовлиларни, турар жой бинолари қурилаётган майдончаларни, турар жой даҳалари ёки ишлаб чиқариш бинолари учун ажратилган ҳудудларни радиацион-экологик нуқтаи назардан текшириб чиқиш;

— ишлаб чиқариш бинолари, турар жойлар, конлар ва ҳоказоларда радиоактив газлар концентрациясини аниқлаш.

Шартнома тузиш ва қўшимча изоҳ-тушунтиришларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700,000 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7 «а» уй.

Телефон: 41-59-70, телетайп 116162, «СОЛНЦЕ», телефакс 41-57-72.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА **15 МАРТ СОАТ 19.30 ДА**

«НАВРЎЗ»

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ «ҚИЗИҚЧИ-90» танловнинг ғолиби Ҳожибой ТОЖИБОЕВ **Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг** «ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР» **ҳамда** «ТАНОВАР» **рақс ансамблари Концерт дастурини Ўзбекистон телевиденнесининг суҳандонлари. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Фарҳод БОБОЖОНОВ ва Ҳалима ЮСУПОВАлар олиб борадилар.**

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

●

Театр

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Паранжи сирлари**, 15/III да **Гўзаллар ва миршаблар**, 16/III да **Фармонбиби аразлади.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИЛМГОҲИ математикавий геология лабораториясининг **мудири** («математикавий геология» ихтисоси бўйича, фан доктори)

БЎШ ЛАВОЗИМИГА **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танлов муддати — 18 мартгача.

Олий билимгоҳ манзили: Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 33-уй, илмий котиб.

●

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БАНКИ ИДОРАСИ

Комплекс хизмат кўрсатиш бошқармасининг олий маълумотли, тижорат фаолияти соҳасида тажрибага эга бўлган, иложи бўлса чет тилини биладиган мутахассис

БЎШ ЛАВОЗИМИГА **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ойлик маош малакасига қараб белгиланади.

Аризалар республика банкининг кадрлар бошқармасида 23 мартгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6-уй (метронинг «Комсомол» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-35-42, 45-35-49.

Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси

Анвар Ҳасанович ОСТОНАҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи жамоаси XX аср сиёсий тарихи кафедрасининг доценти

Малла Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон қишлоқ қурилиши давлат ширкат бирлашмасининг ишчилар таъминоти бошқармаси маъмурияти ва жамоат ташкилотлари 4-сонли Марғилон ишчилар таъминоти бўлими бошлиги

Мақсуд Имомович САЙРАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги жамоаси вазирлик кадрлар бошқармасининг масъул ходими О. Н. Жўраевага умр йўлдоши

Руслан Шоймардонович ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Инсон» киностудияси жамоаси «Инсон» киностудиясининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги давлат мукофотлауреати Р. И. Ботировга қизи

Дэли Роальдовна БОТИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи ректорати, партия, касаба уюшмаси комитетлари ва кўз касалликлари кафедраси жамоаси шу кафедра доценти Х. К. Ҳожимуҳамедовга отаси

Ҳожимуҳаммад ҚОРАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги жамоаси кадрлар ва ижтимоий тараққиёт бошқармаси бошлигининг муовини Р. Г. Зокировага онаси

Муҳаббат ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ишлаб чиқариш техника хизмати ва асбоб-ускуналарни бутлаш бошқармаси бошлиги

Руслан Шоймардонович ЖУРАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 5091.

№ 51. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12